

1-САҲНА. МУҚАДДИМА. ИККИ САМАРҚАНД СИРИ

ҲИКОЯЧИ (V.O.)

Дунёда шундай шаҳарлар борки, улар фақат хариталардагина мавжуд.

ҲИКОЯЧИ (V.O.)

Яна шунай кентлар борки, улар фақат китоблар-у, ва қадимий ривоятларда яшайди.

ҲИКОЯЧИ (V.O.)

Аммо шундай бир шаҳар борки, у бир вақтнинг ўзида икки оламга мансуб...

ҲИКОЯЧИ (V.O.)

Кўз билан кўриш мумкин бўлган Самарқанд бор...

ҲИКОЯЧИ (V.O.)

...бошқа Самарқанд эса – ҳайратланишдан толмаган, эртакларга ишонишдан тўхтамаган инсонларгагина ўзини намоён этади.

ҲИКОЯЧИ (V.O.)

Бу шундай шаҳарки, унда ҳар қандай билим асл мўъжизага айланади...
...ҳар бир мўъжиза эса ўзида заковат сир-синоатини сақлайди.

ҲИКОЯЧИ (V.O.) (паст овозда)

Аммо, кунларнинг бирида...

ҲИКОЯЧИ (V.O.)

... афсункор шаҳарнинг нури аста секин сўна бошлади...

2-САҲНА. ҚОРАШОҲНИНГ ҚИНҒИР КЎЗГУЛИ САРОЙИ

ИНТ. ҚИНҒИР КЎЗГУЛИ САРОЙ. ТУН

ҚОРАШОҲ

(паст овозда, нафратли туйғу билан)

Шу қадар кўп бўладими бу кўзни қамаштирадиган ёруғлик. Шаҳарда қайнаб турган ҳаётга-ку, ҳечам тоқат қилиб бўлмайди.

Бу одамлар ўз қувончи-ю, бефойда билимлари билан дунёни абадий ёритиб турамиз, деб ўйлашадими, чоғи?

ҚОРАШОҲ

(ойнага энгашиб, муздек истеҳзо билан)

Сизнинг бу бахтингиз - бор-йўғи бамисоли мўрт ойна холос. Унинг қисмати эса маълум: чил-чил бўлиб синиш.

ҚОРАШОҲ

(ўзини босиб гапиради, аммо овозида очкўзона, телбавор завқ отилиб чиқади)

Наҳотки?! Бўлиши мумкин эмас... Сен ниҳоят қайтибсан-да, Афсонавий Оламлар Китоби?!

ҚОРАШОҲ

Ҳой, эшитяпсизларми мени?! Асрлар давомида бу қўлёзма ўткир нигоҳимдан яширилган ҳолда уйқуда эди! Аммо бугун қайсидир галварс унинг оромини бузишга журъат этибди. Қадимий Самарқанд сеҳри ваниҳоят уйғонди... Демак, мен учун йўл яна очилди!

ҚОРАШОҲ

Қаерга яширинма, барибир сени топаман. Бу шаҳар эса... барча азалий сирлари, бор мўъжизалари ва донишмандлари билан... меники бўлади. Мен уларни парча-парча қилиб, саҳифама-саҳифа, бўлакма-бўлак эгаллаб оламман.

3-САҲНА. ЗАМОНАВИЙ ТОШКЕНТ. ҲОВЛИ
ЭКСТ. УЙНИНГ ШИНАМ ҲОВЛИСИ. ЭРТАЛАБ

НОДИР

(чизғични расм устига қўйиб, хўрсинади)

Баҳора, ахир бу тўғри эмас-ку! Сен чизган минора худди пишиб, етилган банандек қийшиқ бўлиб қолипти. Ҳозир у ағдарилиб, кўчадан ўтаётган мушукларнинг нақ бошига тушадигандек!

БАҲОРА

(унга тилининг учини кўрсатади)

Ҳечам-да! У шунчаки ён томонга эгилиб олиб, бадантарбия қиляпти, холос. қайтанга шу қизиқ-ку!

НОДИР

Биолар ҳеч қандай бадантарбия қилмайди, Баҳора. Улар фақат тик туради. Худди... худди токчадаги менинг дарсликларимдек!

ЖАЖЖИ

(баланд овозда)

Бе-е-е! Келинлар, яхшиси, улкан учадиган тарвуз расмини чизамиз! Ичидан шарбати томиб турсин!

ЖАЖЖИ

(бурнини кулгили қилиб бужмайтиради ва аксириб юборади)

Апчи! Вой... Қоғоз мени тишляпти! Бе-е-е!

БАҲОРА

Вой-бўй... Болалар, қаранглар, у кўкариб кетибди! Балки, совқотиб қолгандир?

НОДИР

(шубҳаланиб кўзойнагини артиб қўяди)

Балки... батареяси тугандир? Лекин... қоғозда батарея қаёқдан бўлсин?

АҚЛВОЙ

(қувноқ, бироз хирилдоқ овозда)

Унда батарея йўқлиги аниқ, Нодир. Лекин менимча, бизнинг Харитамиз қитиқланишдан қўрқади. Айниқса, унинг устида мана бундай туёқчалар билан юришса.

ЖАЖЖИ

(пичирлаб)

Харита... бунинг учун сен мени еб қўймайсанми, ишқилиб? Илтимос, емагин, мен умуман мазали эмасман, ҳаммаёғим жун! Бе-е-е!

БАҲОРА

У иссиққина бўлиб қолди! Вой, қаранглар, бармоқларим тагида у худди сеҳрли чироқчалардек чарақлай бошлади!

НОДИР

Буни қаранг, худди қитиқлаётгандек! Ҳм, бир юз ўн олти... бир юз ўн етти... Унинг юрак уриши жисмоний тарбиядан кейинги мени юрагимдан ҳам тез ураяпти!

АҚЛВОЙ

(фараларини милтилатиб кулади)

Мана, дўстлашиб ҳам олдинлар! Қўлоқларингизни динг қилиб туринг, болажонлар. Чунки, бугун оддий дарс ўрнига бизни ғаройиб саргузаштлар кутяпти!

ЖАЖЖИ

(қувончдан айлана бўйлаб чопа бошлайди)

Ура-а! Тиллақўнғизларни тутамиз! Бе-е-е! Навбатда мен биринчи бўламан!

5-САҲНА. ХАРИТА ДАЪВАТНИ СЕЗАДИ

ЭКСТ. ТУРАР ЖОЙ ҲОВЛИСИ. КУНДУЗИ

ЖАЖЖИ

(қўрқиб пичирлайди, бурнини қимирлатиб, Нодирга суяниб олади)

Вой... Вой-вой-вой! Бе-е-е... Негадир қулоқларим худди нордон лимон суви сурилгандек жимирлаяпти? Думчам эса... думчам динг бўлиб қолди!

БАҲОРА

(кулиб)

Жажжи, сен шунчаки ўз қўшиғингдан ўзинг чўчиб кетдинг!

БАҲОРА

(хавотир билан)

Ия, Харита, сенга нима бўлди? Ҳаммаси жойидами?

ХАРИТА

(паст овозда, акс-садо билан)

Мен чақириқни эшитяпман...

НОДИР

Тинчланинглар, ваҳимага ўрин йўқ! Менинг ҳисоб-китобларимга кўра, бу шунчаки... атмосфера босимининг ўзгариши холос! Қоғозга ҳаводаги намлик таъсир қиланяпти. Ҳа-ҳа, бу шунчаки оддий физика!

ЖАЖЖИ

(чинқироқ овозда)

Бу физика эмас, бу ёвуз кўк туманнинг пичирлаши! У бизнинг ўт-
ўланларимизни олиб кетмоқчи! Бе-е-е!

АҚЛВОЙ

(жиддий, бўғиқ бас овозида)

Нодир, ундан узоқроқ тур. Бу намлик эмас. Мен ҳам қандайдир хавфни
сезяпман... У аллақачон шу ерда...

6-САҲНА. ПАРАЛЛЕЛЬ: ҚОРАШОҲ ХАРИТАНИ ЧАҚИРАДИ

ИНТ. ҚИНҒИР КЎЗГУЛИ САРОЙ. ТУН

ҚОРАШОҲ

*(пичирлайди, унинг овози ҳар томондан шивирлаган акс-садодек
эшитилади)*

Ҳайрият, ваниҳоят... Йўл очилди.

7-САҲНА. ПОРТАЛ ОЧИЛАДИ

ЭКСТ. ТУРАР ЖОЙ ҲОВЛИСИ. КУНДУЗИ

БАҲОРА

(шамолдан юзини қўллари билан тўсиб, бақиради)

Нодир! Жажжи!

АҚЛВОЙ

(баланд овозда, мотори ғазабланган йиртқичдек ўкиради)

Болалар, зудлик билан ёнимга келинглар! Тезроқ орқа тарафга, менинг
ортимга ўтинглар!

АҚЛВОЙ

(қатъий)

Мен сизларни ҳеч кимга бериб қўймайман!

ЖАЖЖИ

(биринчи бўлиб ердан кўтарилиб кетади)

Вой-ёй-ёй! Туёқчаларимни қутқарингла-а-ар! Бе-е-е!

9-САҲНА. ЭРТАКНАМО САМАРҚАНД БИЛАН ИЛК ТАНИШУВ

ЭКСТ. ЭРТАКНАМО САМАРҚАНДНИНГ МАРКАЗИЙ МАЙДОНИ. ОҚШОМ
(ОЛТИН ПАЛЛА)

БАҲОРА

*(нафасини ичига ютиб, кафтларини кўксига қўяди, юзида ҳайрат ва завққа
тўла табассум пайдо бўлади)*

Бу... қанчалар гўзал!

ЖАЖЖИ

(завқдан чинқириб, қулоғидан қулоғигача илжайиб)

Қизик, бу ерда яшасак бўлармикан?! Илтимос-а, келинглар, шу ерда бир
умрга қолайлик!

НОДИР

*(одатдагидек вазмин ва қуруқ оҳангда гапиришга уринади, аммо
ҳаяжондан овози ўзгариб кетади)*

Вау!!!

10-САҲНА. ШАҲАР АҲОЛИСИНИНГ МУНОСАБАТИ

ЭКСТ. ЭРТАКНАМО САМАРҚАНД КЎЧАСИ. КУНДУЗИ

ЖАЖЖИ

(қувноқ)

Эй, салом сизларга, тош махлуқлар! Дўст бўламизми?

БАҲОРА

(жилмайиб, шерни силайди)

Нодир, қара! Улар худди мулойим мушукчаларга ўхшайди, фақат тошдан
ясалган холос!

НОДИР

Тошдан иборат тузилма тирик организмга хос товушларни чиқариши мумкин
эмас...

АҚЛВОЙ

(мотори илиқ ва мамнун овозда гувиллайди)

Менимча, Нодир, бу ерда сен айтган физиканинг ўзи ҳам бир кун дам олишга
қарор қилибди, чоғи! Менга ҳам бу ер ёқди. Худди тифиз тирбандлик пайтида
уйимдагидек хотиржам ҳис қиляпман ўзимни!

БИРИНЧИ КУЛГИ СОТУВЧИСИ

(баланд овозда харидорларни чорлайди)

Қани кеб қолинглар, одамлар, боғда пишган бодомлар! Янги кулги, қувноқ
кулги! Ҳар қандай дид ва турли ёшдагилар учун турфа хил кулгиларимиз бор!

ИККИНЧИ КУЛГИ СОТУВЧИСИ

(жилмайиб)

Эҳтиёт бўлсанг бўларди, қўзичоқ! Бизнинг молимиз жуда кучли!

ЖАЖЖИ

(йўғон бас овозида)

ҲА-ҲА-ҲА-ҲА-ҲА!

АҚЛВОЙ

(қўрқиб ғилдиракларида сапчиб кетади, фаралари катта очилади)
Вой-бўй! Жажжи, нима, момақалди роқли булутни ютиб юбордингми,
дейман?!

ЖАЖЖИ

(ингичка овозда чийиллаб)
Ҳи-ҳи-ҳи-ҳи-ҳи!

ЖАЖЖИ

(қароқчиларга хос хирилдоқ овозда)
И-ҳо-ҳо! Ҳо-ҳо-ҳо!

АҚЛВОЙ

(унинг кулгисига мослаб клаксон чалади)
Бип-бип! Қани, Жажжи, бор овозингни ишга сол-чи! Бунақа концертни ҳали
эшитмаганман!

12-САҲНА. МИРЗОНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ

ЭКСТ. ЖОНЛИ ҲИКОЯЛАР МАЙДОНИ. КУНДУЗ.

БАҲОРА

(деярли пичирлаб)
Қаранг, улар... ҳақиқий экан...

МИРЗО

(жуда паст овозда)
Шунча йил...

МИРЗО

Ваниҳоят, Самарқанднинг юраги бизни эшитди...

МИРЗО

Демак... кутиш вақти тугади. Сизлар эса бу ерга бежиз келмадингиз.

ҲИКОЯЧИ ОВОЗИ (V.O.)

Самарқанд учун кураш бошланди.

13-САҲНА. ШАҲАР БЎЙЛАБ САЙР

ЭКСТ. ЭРТАКНАМО САМАРҚАНД КЎЧАЛАРИ. КУНДУЗИ

МИРЗО

Чор атрофга яхшилаб назар солинг, ёш жаҳонгашталар. Бу шаҳар сизнинг дунёнгиздан бутунлай бошқача.

Бу ерда мусиқани эшита оладиган ранглар яшайди...

МИРЗО

Бу маконда сўзлар, токи уларни бирор шоир тутиб олиб, қофияга солмагунича учиб юради.

МИРЗО

Сизлар ҳозиргина айланиб чиққан бозорда эса ҳеч ким, ҳеч қачон фойда кетидан қувмайди.

Бу ерда кулги сотилади. Чунки кулги қалбга шифо бахш этади...

АҚЛВОЙ

(руҳнинг ортидан, хижолат бўлиб)

Вой, кечир, мени кичкинтой!

АҚЛВОЙ

(шошилиб, бутун гавдаси билан чироққа таъзим қилади)

Мени авф этгайсиз, ҳурматли шамчиноқ жаноблари! Минг бор узр !

БАҲОРА

(қатъий)

Унга ёрдам керак! Хозир деворлар уни қисиб қўяди!

НОДИР

Мирзо улар жонли деди-ку! Илтимос қилсанг, деворларнинг ўзи сурилади!

Фақат одоб билан сўраш лозим!

БАҲОРА

Илтимос, ҳурматли деворлар, бизга бирозгина йўл беринглар! Кичкинтойни қутқариб олайлик!

АҚЛВОЙ

(моторини зўриқтириб)

Уф-ф! Вой, кучини қаранг! Узоқ ушлаб туролмайман! Тезроқ бўлинглар!

ЖАЖЖИ

Бе-е-е! Қани, сурил-чи, тошвой!

14-САҲНА. ХАВФНИНГ ИЛК БЕЛГИЛАРИ

ЭКСТ. ЭРТАКНАМО САМАРҚАНД КЎЧАЛАРИ. КУНДУЗ / ОҚШОМ (ЎЗГАРИБ БОРАДИ)

НОДИР

(атрофга аланглаб, овозини пичирлашгача пасайтиради)

Нима бўляпти ўзи?.. Назаримда, шаҳарнинг қуввати... сўниб бораётгандек...

БАҲОРА

(қалтираётган Харитани бағрига босиб)

Совқотяпман... Нодир, бечора шаҳарнинг... жони оғрияпти.

МИРЗО

(паст овозда, чуқур қайғу билан)

Одатда зулмат шовқинсиз зимдан бостириб келади. Қорашоҳнинг шарпалари қабих ишларини доим шундай бошлайди: Самарқандни жонидан айириш учун аввал овоз ва товушларни, кейин эса рангларни ўчиришга уринадилар.

МИРЗО

Бир вақтлар бу ер шаҳримизнинг энг ёруғ ва қувноқ жойларидан бири - Тарихлар Майдони бўлган. Айнан шу ерда гўзал афсоналар яраларди...

МИРЗО

Энди эса бу манзил жонсиз. Қорашоҳнинг шарпалари етган макон мана шундай тушкунликка тушади.

15-САҲНА. ҚАДИМИЙ НИЗО ҲАҚИДА СУҲБАТ

ЭКСТ. ТОР КЎЧА. ОҚШОМ

МИРЗО

(паст ва сирли овозда)

Бу ерда биз хавфдан йироқмиз. Энди сизларга Самарқанд узоқ йиллар оғир сукут сақлаган сирни ошкор қилиш вақти келди.

МИРЗО (V.O.)

Қадим замонда шаҳарнинг ўз қўриқчиси бўлган. У на ҳукмрон, ва на сипоҳ бўлган. У Самарқанднинг юрак уришини ҳис қила оладиган тирик нафаси эди.

МИРЗО (V.O.)

Унинг Лайло исмли гўзал қизи бўлиб, Лайло тож-у тахтнинг эмас, балки заррин нурнинг меросхўри эди. Шаҳримизнинг кулгиси, билими ва рангларини яратадиган сеҳр биргина унинг жисмида яшарди.

МИРЗО (V.O.)

Аммо кунларнинг бирида олис, жонсиз ўлкалардан Қорашоҳ – Қинғир Кўзгулар Ҳукмдори шаҳримизга келади.

У қанчалик қудратли бўлмасин, бу куч аслида ҳеч нарса ярата олмасди. Қорашоҳ фақат бошқалар бунёд этган нарсаларни кўзгуларида акс эттирар ва уларни атайин бузиб кўрсатарди.

У Самарқанд табиатини тушунмади. Шунинг учун шаҳарни ўз золим ҳукмига бўйсундирмоқчи бўлди.

НОДИР

(деворга ишора қилиб, мафтун бўлган ҳолда)

Лекин у бутун ва тирик шаҳарни барибир эгаллай олмайди-ку!

МИРЗО

Тўғри, Нодир. Шунинг учун у шаҳарни парчалаб, бўлак-бўлак қилиб эгаллашга киришди. Қинғир Кўзгули ҳудудлар яратди. У ерларда эзгулик ва ҳақиқат йўқ бўлиб, ҳамма нарса қайтадан тескари тус оларди.

МИРЗО

Ўз қабих ҳукмини ўрнатиш учун у даставвал Лайлони асир қилди. Шунда Қўриқчилар жуда оғир қарор қабул қилишди: душман Самарқанднинг бор куч-қудратига эга бўлмаслиги учун унинг Юрагини бир неча бўлакларга ажратишди.

Шаҳарни қутқариш учун Харитани ўзга оламга олиб чиқишди.

МИРЗО

(овозида қўрқув сезилади)

Аммо энди Қорашоҳ Хаританинг қайтганини сизди. Агар у Харитани топиб,
Самарқанд Юрагининг барча парчаларини ўз ҳукми остида бирлаштира...

Самарқанд тириклигини йўқотади.

У Қорашоҳнинг қинғир кўзгусидаги совуқ, қотиб қолган, жонсиз акс- сиймога
айланади...

16-САҲНА. ШАРПА-ҚЎРИҚЧИЛАРНИНГ ИЛК ПАЙДО БЎЛИШИ

ЭКСТ. ТОР КЎЧА. ОҚШОМ

ЖАЖЖИ

(пичирлаб, Баҳоранинг кўйлагидан тортади)

Бе-е-е... Баҳора... Ана у ёққа қара. Анаву шарпа... судралиб кетяпти. У тирикка
ўхшайди!

БАҲОРА

(меҳрибонлик билан, қўзичоқнинг бошини силайди)

Жажжи, қўрқма. Балки чироқнинг нури шамолда қимирлагандир. Ахир биз
сеҳрли шаҳардамиз-ку.

ЖАЖЖИ

(ваҳима билан бошини чайқаб, туёқчаси билан кўрсатади)

Йўғ-е! Ҳеч қанақа шамол эсмаяпти-ку! Унинг ўзи юрибди!

НОДИР

Жажжи, сен ҳалиям ўша кулги солинган идишлардан кейин ўзингга
келмагансанми, дейман.

Соянинг ҳаракати ёруғлик қаердан тушаётганига боғлиқ. Фанда бунинг оддий
кўз алданиши деб аталади.

МИРЗО

Йўқ... Улар шу ерда! Ҳамма орқага!

АҚЛВОЙ

(таранг овозда, мотори қаттиқ гувиллаб)

Қочинглар! Мен уларни ушлаб турибман, лекин улар ён томондан айланиб
ўтяпти!

МИРЗО

Ортимдан! Улар бутун маҳаллани қуршаб олмасидан олдин тезроқ бу ердан
кетиш керак!!!

17-САҲНА. ЕР ОСТИ БОҒЛАРИ. ОЛИМ БИЛАН УЧРАШУВ

ЭКСТ. ШАҲАР КЎЧАЛАРИ ВА ТОМЛАРИ. ТУН

АҚЛВОЙ

(йўл-йўлакай, оғир нафас олиб, кузовини зўриқтириб)

Ҳой, ҳурматли уйлар! Озгина сурилинглар-чи! Ахир мен ҳозир қисилиб
қоламан! Илтимос, аҳволимни тушунинглар!

ОЛИМ

(қатъий буйруқ билан)

Тезроқ! Ортимдан! Бу ёққа!

ОЛИМ

(пичирлаб, овози титрайди)

Мен сени бутунлай йўқолган деб ўйлагандим...

ҲИКОЯЧИ ОВОЗИ (V.O.)

Харита Олимнинг ўтмиши билан чамбарчас боғлиқ эди. У Олимнинг севгилиси - Лайло ва ўзи аъзо бўлган қадимий Қўриқчилар ордени ҳақидаги хотираларни ўзида сақларди.

ОЛИМ

Агар Харита қайтган бўлса... демак, бизда ҳали умид бор.

ҲИКОЯЧИ ОВОЗИ (V.O.)

Уларнинг ер ости боғларидаги бу учрашувини гўё тақдирнинг ўзи белгилаб қўйган эди.

19-САҲНА

ИНТ. ЭСКИ УСТАХОНА / БОШПАНА. ТУН

МИРЗО

(паст, вазмин овозда)

У сени таниди, Олим. Лайло сенга уни қандай тинглашни ўргатганини ҳам эслайди...

Унга фақат кўз билан қарашни эмас, балки қалб билан ҳис қилишни ҳам ўргатгани Хаританинг ёдида.

МИРЗО

(давом этади)

Лекин у сенга йўлни шунчаки чизиб бермайди. Харита фақат Самарқанд ўзини «эслайдиган» манзилларда тилга киради.

Яъни, шаҳарнинг ўтмиши ва келажаги бир-бири билан туташган манзилларда жонланади.

МИРЗО

Харита фақат Қадимий Расадхонада тўлиқ кучга киради. Чунки шаҳарнинг хотираси айнан ўша ерда сақланади.
У ерда вақт гўё бир лаҳза тўхтайди... ва Самарқанд ўзини четдан кўра олади.

МИРЗО

Агар Қорашоҳ Хаританинг уйғонганини сезган бўлса, билишимча, у буни шубҳасиз сезган, билингки, Хаританинг қисмати яна шаҳар тақдири билан боғланди.
Шунинг учун зулмат кучлари биринчи бўлиб Расадхонага зарба беради.

ОЛИМ

Биз албатта улардан аввал етиб боришимиз лозим.

ОЛИМ

(қатъий)

Мен сизлар билан бораман. Жанг излаётган аскар сифатида эмас... Йўл Қўриқчиси сифатида.

ОЛИМ

Сизларга сўз бераман: бу йўлни босиб ўтишингизга ёрдам бераман. Ва биз Лайлони албатта қутқариб оламиз.

20-САҲНА. РАСАДХОНАГА ЭЛТУВЧИ ЙЎЛ

ҲИКОЯЧИ ОВОЗИ (КАДР ОРТИДА)

Шаҳар уларни хавотирли сукунат ила қарши олди. Яқиндагина жонли кўчалар шивирлашар, ранглар жилоланиб товланарди. Энди эса товушлар аста-секин сўниб, ранглар хиралашиб бормоқда. Гўё кимдир уларни бирма-бир ўчириб бораётгандек эди.

МИРЗО

(хотиржам, аммо чуқур хавотир билан)

Шарпалар тобора кўпайиб бормоқда. Демак, Қорашоҳ энди яшириниб ўтирмайди. Агар Самарқанднинг Юраги сўна бошласа, шаҳар бирданига йўқолмайди... У ўзлигини бўлак-бўлак шаклда йўқота боради.

МИРЗО

(тепаликни кўрсатиб)

Ана, Расадхона. Самарқанд ўз хотираларини айнан ўша ерда сақлайди. Фақат Расадхонадагина Харита бизга ҳақиқий йўлни кўрсата олади.

ЖАЖЖИ

(чўчиб, орқага сакрайди)

Вой-вой! У... у эриб кетяпти!

ОЛИМ

(олдинга чиқиб, хавфни баҳолайди)

Зулмат бу ерга ҳам етиб келибди. Кўприкни ҳозир фақат шаҳарнинг ишончи ва хотираси ушлаб турибди. Агар шубҳалансак - у қулаб тушади.

БАҲОРА

Ақлвой, тезроқ!

ҲИКОЯЧИ ОВОЗИ (КАДР ОРТИДА)

Ва шу лаҳзада Мирзодан тортиб, кичкина Жажжигача ҳамма бир нарсани англаб етди: улар қадам қўйган бу йўлдан энди ортга қайтиб бўлмайди.

21-САҲНА. РАСАДҲОНА. САМАРҚАНД ХОТИРАСИ

АҚЛВОЙ

(мафтун бўлиб пичирлайди, моторининг овозини пасайтиради)

Вой-бўй... Бу жой автобус саройидан ҳам хашаматли экан.

ЖАЖЖИ

(сеҳрни чўчитиб юбормаслик учун жуда секин нафас олади)

Бу ерда... ҳатто сукунат ҳам мусиқага ўхшаб янграпти.

МИРЗО

(нақшли полнинг марказига қадам қўяди)

Биз етиб келдик. Бу - Хотира Юраги. Айнан шу ерда Харита бизга ҳақиқий йўлни ва Қорашоҳнинг назаридан яширинган сирларни кўрсатади.

22-САҲНА. РАСАДҲОНА. ХАРИТА ЙЎЛНИ КЎРСАТАДИ

БАҲОРА

(ҳайрат билан)

Харита... бу ерда ўзингни яхши ҳис қиляпсанми?

ХАРИТА

(ҳаяжон билан)

Мен... бу жойни яхши эслайман. Мен шу ерда туғилганман.

НОДИР

Демак... сен ҳам унинг бир қисми бўлганмисан?

ХАРИТА

Ҳа. Мен йўлни сақлашга ёрдам берардим.

ХАРИТА

Қорашоҳ ҳамма нарсани бирданига синдира олмади. Шаҳар унга астойдил қаршилиқ кўрсатди.

Юрагини йўқотган Самарқанд эса энди бўлак-бўлак бўлиб сўниб бормоқда.

ЖАЖЖИ

(қисилиб, паст овозда)

Лайло ҳам... шунинг учун асирликдами?

ХАРИТА

Токи Лайло тутқинликда экан, шаҳар заифлашаверади. Аммо ҳали йўл бор.

ХАРИТА

Мана, бизнинг йўлимиз. Биз шу йўлдан ўтишимиз керак.

НОДИР

(белгиларга диққат билан қараб)

Агар Қорашоҳ бизни ўша ерда кутиб турган бўлса-чи? мободо ўддалай олмасак-чи?

ХАРИТА

(меҳр билан, аммо қатъий)

Мен сизларни танладим. Чунки сизлар ёлғиз эмассизлар. Ва энг муҳими - сизлар таслим бўлмайсизлар.

ОЛИМ

(умид билан, паст овозда)

Демак... ҳали кеч эмас!

ХАРИТА

Биз бирга эканмиз - ҳали фурсат бор.

23-САҲНА. ҚОРАШОҲ УЛАРНИ ҚИНҒИР КЎЗГУ ОРҚАЛИ КУЗАТАДИ

ЖОЙ: РАСАДХОНА ИЧИ - ВАҚТ КУТУБХОНАСИ

ҚОРАШОҲ

(унинг овози кўзгулар тубидан гумбурлаб, бутун хонани тўлдиради)

Ҳеч қаерга қочиб қутулолмайсизлар...

МИРЗО

(сўнаётган зал ва вайроналарга даҳшат билан қараб)

Бу... у яқин эканидан далолат! У қаердалигимизни билади!

ОЛИМ

(қулаётган тошлар шовқинини босиб бақиради)

Бу ерда қолиш мумкин эмас! Тез! Вақт Лабиринтига ўтамиз!

24-САҲНА. ВАҚТ ЛАБИРИНТИГА ЙЎЛ

ҲИКОЯЧИ (КАДР ОРТИДА)

Ҳар қандай сафарга ҳам истаган ҳамроҳ билан чиқиб бўлмайди. Чор-атроф зулматга чўмганда ҳар ким ўз танловини: соялар ортига яширинишними ёҳуд нурга айланишними ўзи белгилайди

МИРЗО

Қорашоҳни тўхтатиш ва Самарқанд Юрагини қайтаришнинг ягона йўли - Вақт Лабиринтига етиб бориш. Аммо сизлар ҳақиқатни билишингиз керак... Бу оддий деворлар ва йўлаклардан иборат макон эмас.

У ҳар бир кишининг қалбини синовдан ўтказди. Қўрқувларингизни топади ва уларни ўзингизга қарши қўяди.

МИРЗО

Шу боис ҳеч ким биз билан бирга боришга мажбур эмас. Қарорни фақат
ўзингиз қабул қиласиз.

ОЛИМ

Мен шубҳаларим билан жуда кўп вақт йўқотдим. Лайло учун. Жонажон
шаҳрим учун мен бу аҳдимдан қайтмайман!

НОДИР

Мен аввал қаҳрамонлар фақат қадимги эртакларда бўлади, деб ўйлардим.
Аммо биз шунча йўл босдик. Энди шунчаки қочиб кетолмаймиз. Мен ҳам
бирга бораман.

БАҲОРА

Шаҳар бизга ишонч билдирди. Агар уни ҳозир ҳимоя қилмасак, бошқа
имконият бўлмаслиги мумкин.
Мен сизлар биланман.

ЖАЖЖИ

(паст овозда, аммо заррача иккиланмасдан)

Мен... мен ҳали ҳам қўрқяпман. Лекин дўстларимни ташлаб кетишдан яна
ҳам кўпроқ қўрқаман.

АҚЛВОЙ

Йўқ, ундай бўлмайди! Мен ҳеч кимни ташлаб кетмайман! Тўғри, мен оддий
автобусман...

Аммо Вақт Лабиринтига кириш керак бўлса - демак, кирамиз! Мен ҳам
сизлар билан бир сафдаман!

ҲИКОЯЧИ (КАДР ОРТИДА, ИЛИҚ ОВОЗДА)

Айни шу лаҳзада улар оддий йўловчи, тасодифий ҳамроҳ ва қўрқиб турган
болалардан ягона, аҳил ва ботир жамоага айландилар.

25-САҲНА. ЖОНЛИ РАНГЛАР МАҲАЛЛАСИ
ЭКСТ. ЖОНЛИ РАНГЛАР МАҲАЛЛАСИ. КУНДУЗИ

БАҲОРА

(завқ билан)

Бу... дунёдаги энг гўзал маскан! Бу ерда ҳатто ранглардан бахтнинг иси келади!

ЖАЖЖИ

(сакраб)

Бе-е-е! Уларни еса ҳам бўладими?!

НОДИР

(атрофга қараб, ҳамон мантиқ излайди)

Атрофдаги ҳамма нарса суюқ рангдан иборат бўлса, бинолар қандай қилиб тик турибди?! Бу ахир физика қонунларига зид-ку!

АҚЛВОЙ

(секин кўчага кириб боради)

Баъзан физика ҳам дам олади, Нодир. Фақат агар бу ерда рангли ёмғир ёғса, олд ойнамни артиб қўйишни унутманглар!

БАҲОРА

(ўзига пичирлайди)

Фақат мўъжазгина, кулгили жонивор чизаман... Эсдалик учун...

БАҲОРА

(ҳайратдан нафаси ичига тушади)

Вой! Мен бундай бўлади деб ўйламагандим.... У жонланди!

НОДИР

(бошини ушлаб)

Баҳора! Сен чизган жонивор қочиб кетяпти!

БАҲОРА

(кулиб, унинг ортидан югуради)

Тўхта, кичкинтой! Қайт бу ёққа!

БАҲОРА

(даҳшат билан қўлини чўзади)

Йўқ! Кичкинтой!..

БАҲОРА

(секин йиғлайди)

Нега?.. Негача у гўзал нарсаларни йўқ қилади?.. Бу менинг энг севимли
махаллам эди...

ОЛИМ

(тишларини ғижирлатиб)

Қорашоҳ... У ўзи ярата олмаган ҳамма нарсани йўқ қилишга уринади.

ХАРИТА

(майин ва меҳр билан)

Йиғлама, Баҳора... Сенинг тасаввуринг ўлмади. У мана шу ерда - қалбингда
яшайпти. Сен рангларни эслаб турган экансан, Қорашоҳ уларни ҳеч қачон
бутунлай ўчира олмайди.

БАҲОРА

(тобора қатъийлашиб)

Биз бу шаҳарга барча рангларини қайтариб берамиз. Биттасини ҳам
қолдирмаймиз!

НОДИР

Ва сўнгра қаерга боришимизни ҳам биламиз.

26-САҲНА. ШАРПАЛАР ҲУЖУМИ. ҚУВЛАШ

ЖАЖЖИ

(ваҳима билан)

Бе-е-е-е! Қаранг, сиёҳлар ҳужум қияпти!

МИРЗО

(олдинга ишора қилиб бақиради)

Улар Харитани қўлга киритиш учун келишди! Тез, автобусга чиқинглар!

ОЛИМ

(болаларни танаси билан тўсиб)

Жойларингизни эгалланг! Мен уларни ушлаб тураман!

АҚЛВОЙ

(мотори ўкиради, фаралари чарақлаб кетади)

Ҳамма мени маҳкам ушлаб олсин! Биз жуда тез
ва тўхтовсиз ҳаракатланамиз!

МИРЗО

(буйруқ беради)

Ақлвой, чорраҳадан чапга - Ўзгаришлар кўчасига!

НОДИР

(ўриндиққа маҳкам ёпишиб)

Деворлар зичлашяпти! Ўта олмаймиз!

АҚЛВОЙ

(одоб билан, аммо баланд овозда)

Ҳурматли деворлар! Жамоат транспортига йўл берсангизлар!

ОЛИМ

(орқа зинапоядан)

Пастдан ўтиб бўлмайди! Юқорига кўтарил!

АҚЛВОЙ

Юқорига?! Мен бор-йўғи автобусман, қуш эмас!

БАҲОРА

(деразадан қараб)

Ақлвой, тезликни ошир! Олдинда Гидамлар Бозори!

ЖАЖЖИ

Мен учяппа-а-ан!

ОЛИМ

(қиличи билан Шарпани қарши олади)

Харитадан қўлингни торт!

ШАРПА

(вишиллаб)

Бер-р-р бўёққа...

ШАРПА

(вишиллаб)

А-а-а-а-а...

ЖАЖЖИ

Бе-е-е-е...

НОДИР

(олдинга тикилиб)

Боши берк кўча! Олдинда жарлик ва бутун бошли шарпалар тўдаси!

МИРЗО

(Харитага қараб, хотиржам)

Харитага тегма!
Бу боши берк кўча эмас. Харита йўл кўрсатяпти. Ақлвой - сакра!

АҚЛВОЙ
(фараларини юмиб)
Эҳ, энди бутун умид ғилдиракчаларимдан!

ЖАЖЖИ
(ҳолсиз овозда)
Яна бир марта мумкинми, шундай?.. Фақат қўлаб тушмасак бўлди...
Олим орқа томондан томдан тушади ва қиличини қинига солади.
Совутида қора қурум излари бор, аммо ўзи соғ-саломат.

ОЛИМ
(ҳаммага қараб)
Ҳамма омонми?

БАҲОРА
Биз улардан қутулдик...

МИРЗО
(салласини тўғрилаб)
Фақат вақтинчалик қутулдик. Аммо бу ерда улар бизни топа олмайди. Биз қадимий миноралар этагидамиз.

АҚЛВОЙ
Болалар, шу шаҳардан эсон-омон чиқсак, бир ойга автосервисга кетаман!
Совун пуфакларидан салют, бамперимга юмшоқ массаж буюриб, бир маза қилиб олайки, сигналим ҳам бу роҳатдан «бип-бип»лаб юборасин!

27-САҲНА. ШАҲАР АҲОЛИСИ ЁРДАМГА КЕЛАДИ

ОЛИМ

(болаларни тўсиб)

Улар жуда кўп... Менинг ортимга ўтинглар!

КЕКСА САВДОГАР

(қатъий)

Ҳой! Бизнинг шаҳарда меҳмон доим иззатда бўлади, аммо чақирилмаган шарпаларга жой йўқ!

ЁШ ТЎҚУВЧИ ҚИЗ

(томдан)

Самарқанд ҳеч қачон қинғир кўзгуларга бўйсунмайди!

АҲОЛИ *(БИР ОВОЗДА)*

Жонажон шаҳримиз учун!

ОЛИМ

(жилмайиб)

Шаҳар уйғонди...

БОЛА

(жасурлик билан)

Сизлар Харитани асранг! Лайлони қутқаринг! Бу шарпаларни эса бизга қўйиб беринглар!

БАҲОРА

Раҳмат сизларга!..

МИРЗО

(деразадан қараб, очилган йўлни кўрсатади)

Ақлвой, минораларга йўл очилди! Улар шарпаларни ушлаб тургунича сен газни бос!

АҚЛВОЙ

(сигнал чалиб)

Раҳмат, дўстлар! Самарқанд - дунёдаги энг зўр шаҳар!

28-САҲНА. ТУНГИ ДАМ ОЛИШ.

ОЛИМ ВА БАҲОРАНИНГ СУҲБАТИ

ОЛИМ

(меҳр билан)

Нега ухламаяпсан, Баҳора? Эртага оғир кун бўлади.

БАҲОРА

Уйқум келмаяпти... Вақт Лабиринтига яқинлашганимиз сари... уддалай олармиканман, деб ўйлаяпман.

БАҲОРА

(кўзларини пастга тушириб)

Харита бизни танлади. Лекин мен оддий расм чизишни яхши кўрадиган қизчаман, холос. Лабиринт менинг заиф томонларимни кўриб қолишидан қўрқаман. Синовдан ўта олмасам-чи?

ОЛИМ

Биласанми... мен ҳам қўрқаман. Ҳар куни.

БАҲОРА

Сен-а?! Ахир сен Самарқанднинг энг жасур жангчиссан! Шарпаларга бир ўзинг қарши чиқдинг-ку!

ОЛИМ

(овозида енгил қайғу билан)

Қўрқув сен жангчимисан ёки рассоммисан, деб сўрамайди. Менинг энг катта қўрқувим - шунча машаққатли йўл босиб, Саройга етиб борганда... барибир Лайлони йўқотиб қўймасак бўлди.

Унинг нури мен ёрдам қўлини узатишга улгурмасимдан сўниб қолишидан қўрқаман.

ОЛИМ

Аммо ҳақиқий жасурлик - умуман қўрқмаслик эмас, Баҳора. Жасурлик - жуда қўрқсанг ҳам, оёқларинг титраса ҳам, барибир олдинга бир қадам ташлашдадир. Чунки сен учун қўрқувдан ҳам азизроқ нарса бор.

ОЛИМ

(самимий, паст овозда)

Сен нимани йўқотишдан кўпроқ қўрқасан?

БАҲОРА

Аввал мен расмларимни ёки илҳомимни йўқотишдан кўпроқ қўрқаман, деб ўйлардим... Энди эса тушундим. Билсам, мен энг кўп яхши кўрганларимни йўқотишдан қўрқар эканман. Уйимни, ота-онамни, акамни, дўстларимни... Ва бизга ишонган шу сеҳрли шаҳарни, унинг ажойиб одамларини.

ОЛИМ

Кўрдингми? Сенинг қўрқувинг муҳаббатдан туғиляпти.
Демак, сенда Қорашоҳ зулматига қарши энг кучли қурол бор.

ОЛИМ

Лабиринт мушакларнинг кучини эмас, қалбнинг кучини синайди.
Сенинг қалбинг эса ўзинг ўйлагандан анча кучли.

БАҲОРА
(қатъий)

Биз уни албатта қутқарамиз, Олим. Мен ваъда бераман.

ОЛИМ

Раҳмат, Баҳора. Эртага бу вазифани биргаликда уддалаймиз!

ҲИКОЯЧИ ОВОЗИ (КАДР ОРТИДА)

Қаҳрамонлар ўртасида қўрқувдан ҳам мустаҳкамроқ ришталар пайдо бўлди.
Аммо Лабиринтнинг ўз қонунлари бор эди: охиригача фақат бир киши етиб
бориши мумкин.

Бу танловни улар эмас, Лабиринтнинг ўзи қилар эди.

30-САҲНА. ВАҚТ ЛАБИРИНТИГА КИРИШ

МИРЗО

(хотиржам, салмоқ билан)

Бундан буёғига фақат Шаҳар Юрагининг бир қисми бўлган киши бора олади.

БАҲОРА

(паст овозда, маъносини англаб)

Бу сенсан, шундайми?..

ХАРИТА

(овози атрофда акс-садо беради)

Ҳа. Бу - менинг йўлим.

БАҲОРА

(пичирлаб)

Биз сенга ишонамиз...

31-САҲНА. ХАРИТА ЛАБИРИНТГА КИРАДИ

ХАРИТА

(ўзини тинчлантириб)

Бу ерда адашиб қолиш ҳеч гап эмас... Аммо мен эканлигимни биламан.

ЛАБИРИНТНИНГ СИРЛИ ОВОЗЛАРИ

(паст, шубҳага тўла акс-садо билан)

Нега қайтдинг?.. Сени ташлаб юборишган эди-ку. Асрлар давомида сени унутишган. Сен бор-йўғи бир парча қоғозсан холос...

ЛАБИРИНТНИНГ СИРЛИ ОВОЗЛАРИ

Сен уларга фақат хавф олиб келдинг. Қорашоҳ жуда кучли. У тартиб ва осойишталик ваъда қилмоқда. Сен бўлмаганингда бунчалик шаҳар азоб чекмасди...

Агар Қорашоҳ ҳақ бўлса-чи? Агар Сен қадами етган жойга вайроналик келтирувчи оддий бир парча бўлсанг-чи?

ХАРИТА

(оғриқ билан пичирлайди)

Мен... чинданам вайронагарчилик олиб келяпманми?.. Мен шунчаки бир парчаманми?..

ХАРИТА

(ичидаги куч тобора ортиб)

Йўқ... Қорашоҳ ҳақ эмас! Мен оддий бир қоғоз парчаси эмасман!
Мен - муҳаббатман, хотираман, инсон қалбларини бир-бирига боғлайдиган
риштаман! Мен - уларнинг умидга элтувчи йўлман!

32-САҲНА. ҚОРАШОҲНИНГ АРАЛАШУВИ

ҚОРАШОҲ

(сохта меҳрибонлик ва шум салобат билан)

Йўл излаяпсанми?.. Бечора, содда Харита. Нега Сени ташлаб юборганлар
учун курашяпсан?

ҚОРАШОҲ

(уни йўлдан уришда давом этади)

Сени аллақачон унутишган... Шаҳарга Юрак керак эмас эди. Уларга фақат сен
кўрсатадиган йўллар керак. Фақат мен сенинг ҳақиқий қадрингни биламан.
Фақат мен сени доим ёдда тутаман...

ҚОРАШОҲ

Яхшиси менга бўйсун. Менинг Қинғир Кўзгуларимга қайт. Мен сени абадий
қиламан. Мен билан сен оддий йўл кўрсатувчи эмас, барча оламларнинг
ҳукмдорига айланасан. Менсиз эса...
сен шунчаки ёлғиз, унутилган бир парча қоғозсан.

БАҲОРА

(ваҳима билан)

Бечора Харита! Унинг жони оғрияпти! Мен кириб, унга ёрдам беришим
керак!

МИРЗО

(оғир, чуқур хавотир билан)

Тўхта, Баҳора! Агар у ерга қадам қўйсанг, Лабиринт иккалангизни ҳам ютиб
юборади!

НОДИР

Лекин у у ерда музлаб қолади! Биз шундай қараб тураверамизми...

МИРЗО

(музлаб бораётган доирадан кўз узмай)

Қорашоҳ унинг онгини заҳарлаяпти. Ҳозир биз ёрдам бера олмаймиз...
Бу - унинг шахсий беллашуви. У кимлигини мудом эслаши ва танловни ўзи
қилиши керак.

БАҲОРА

(бутун қалби билан унга фикран мурожаат қилиб)

Эсла, Харита... Сен ёлғиз эмассан! Сен доим бизнинг ёдимиздасан!

ҚОРАШОҲ

Ана, бўлди... Ухла энди... Парчавой.

33-САҲНА. ХАРИТАНИНГ ҚАРОРИ

ҚОРАШОҲ

(мамнун, менсимай)

Мана, тамом... Сен таслим бўлдинг.

ХАРИТА

(жуда паст, аммо титратувчи ишонч билан)

Мен парча эмасман...

ХАРИТА

(овози Лабиринтнинг бутун тубсизлиги бўйлаб гумбурлайди)

МЕН - ЙЎЛМАН!

Қорашоҳнинг овози ожиз ғазабдан бузилиб кетади:

ҚОРАШОҲ
Йў-ў-ўқ! Бундай бўлиши мумкин эмас-с-с!

34-САҲНА. САМАРҚАНД ЮРАГИНИНГ КАЛИТИ

ИНТ. ВАҚТ ЛАБИРИНТИНИНГ МАРКАЗИ. УЗЛУКСИЗ СЕҲРЛИ МАКОН

ХАРИТА
(майин, чуқур ҳис билан)
Мен шаҳарни асраб қолиш учун кетган эдим... Энди эса уни қутқариш учун
қайтдим.

МИРЗО
(енгил тортиб, табассум билан)
Қойил, уддалади... Калит ҳам уйғонди.

35-САҲНА. ХАРИТАНИНГ ҚАЙТИШИ

ЖАЖЖИ
(биринчи марта ҳазилсиз, қулоқларини тушириб)
Вой... У... у ростдан ҳам қайтди.

НОДИР
(паст овозда, ҳайрат билан)
Демак... мантиқ ва ҳисоб-китобнинг бунга алоқаси йўқ. Унинг ўзи буни
уддалади.

ХАРИТА
(овози ёруғ, теран ва жарангдор)

Ҳа. Биз кимлигимизни эсладик. Энди Самарқандни бирга қутқара оламиз.

МИРЗО

(шамолга қараб, хавотир билан)

Қорашоҳ Калит уйғонганини сезиб қолди... У кутиб ўтирмай, сўнгги
найрангини бошляпти.

ОЛИМ

(қатъий)

Унда бир дақиқа ҳам вақтни йўқотмаслигимиз зарур. Агар у Лайлонинг
нуруни бутунлай тортиб олса, ҳамма ҳаракатларимиз бесамар кетади.

НОДИР

(қатъий, ўзига ишонч билан)

Олдинда бизни нима кутаётганини билмайман. Буни ҳисоблаб ҳам
чиқолмайман... Аммо мен барига тайёрман.

МИРЗО

(хавотир орасида жилмайиб)

Самарқанд ўз ҳалоскорларини тўғри танлабди.

ОЛИМ

Қинғир Кўзгули Саройга сари олға!

36-САҲНА. ШАРПАЛАР ҚЎШИНИ ШАҲАРГА ЁПИРИЛАДИ

ЭКСТ. ЭРТАКНАМО САМАРҚАНД. МАРКАЗИЙ МАЙДОН. ҒИРА-ШИРА ПАЙТ

МИРЗО

(овозини пасайтириб, чуқур қайғу билан)

Биз бироз кеч қолибмиз... Қорашоҳ охирги совуқ маросимини бошлабди.

БАҲОРА

(қорайиб бораётган Харитани маҳкам ушлаб, титроқ овозда)

Шаҳар... у кулишни унутиб қўйибди.

НОДИР

(кулранг деворларга қарайди ва муштарини тугади)

Йўқ. У ҳаммасини ҳали эслайди. Қорашоҳ бошқа илож қолмади, деб бизни чалғитмоқчи.

ОЛИМ

(бошини кўтаради, овозида ғазаб алангаланади)

У бу шаҳарни тортиб ололмайди. Лайлони ҳам!

37-САҲНА. ЛАЙЛО АСИРЛИҚДА. ҚОРАШОҲНИНГ «ШАҲАРНИНГ МУЗДЕК ЮРАГИ» МАРОСИМИ

ИНТ. ҚИНҒИР КЎЗГУЛИ САРОЙ. БОШ ЗАЛ. ТУН. МАРОСИМ

ҚОРАШОҲ

(бармоқларини қисиб, ёвуз тантана билан пичирлайди)

Яқинда... шаҳар абадий меники бўлади. Сендаги нурсиз Самарқанд музлаб қолади. Мен эса унинг ягона ҳхукмдорига айланаман.

ЛАЙЛО

(паст, аммо ички куч билан)

Танамни занжирбанд қилишинг мумкин, Қорашоҳ... Аммо Самарқанд Юрагини ҳеч қачон сўндира олмайсан. Улар аллақачон йўлга чиққан.

ҚОРАШОҲ

(ғазаб билан)

Ироданг зўр-ку!.. Бекорларни айтибсан, ҳеч ким келмайди! Келишга журъат этсалар ҳам, сендан фақат кул қолганини кўришади!

38-САҲНА. ҚАҲРАМОНЛАР САРОЙГА КИРИБ БОРАДИЛАР

ЭКСТ. ҚИНҒИР КЎЗГУЛИ САРОЙГА ОЛИБ БОРУВЧИ ЙЎЛ. ТУН. ТУМАН

ОЛИМ

(юришдан тўхтамай)

Ортимдан юринглар! Қинғир кўзгуларга қараманг!

БАҲОРА

(тезда нақш чизиб)

Тайёр! Ўтинглар! Улар ушлаб туради!

ЖАЖЖИ

(ваҳима билан у ёқдан-бу ёққа қараб)

Вой-вой! Қайси бири ҳақиқий?! Ҳаммаси бир хил-ку!

НОДИР

(диққат билан ҳисоблаб)

Шошманг... Чапдан учинчи эшикда нурнинг синиши - ўттиз даража.

Еттинчисида - қирқ беш... Демак, акс этилган кўриниш бузилган!

Оптик бузилиш йўқ ягона эшик - ЎНГДАН УЧИНЧИСИ!

АҚЛВОЙ

(узоқни ёритувчи фараларини бор кучида ёқиб)

Мен турганда сизларга йўл бўлсин?!

39-САҲНА. ҚИНҒИР КЎЗГУЛИ ҚАЛЪАНИ ЭГАЛЛАШ. БОШ ЙЎЛАҚДАГИ ЖАНГ
ИНТ. ҚИНҒИР КЎЗГУЛИ САРОЙ. БОШ ЗАЛ ДАРВОЗАСИ. ТУН. ЖАНГ

НОДИР

Бу оддий девор эмас. Бу – ўз хос ҳийлага тўла тузоқ! Дарвозани бир вақтнинг ўзида уч нарса ушлаб турибди: тепадаги нақш, ён томондаги кўзгулар ва ўртадаги ўзак.

Тўғридан зарба берсак, бизни тўпдек орқага улоқтиради!
Уч томондан бир вақтда уришимиз керак! Ҳаммамиз бараварига!

ОЛИМ

(қиличини кўтариб)

Мен ўзакка йўл очаман!

МИРЗО

(таёғини кўтариб)

Мен шифтдаги нақшли ҳошияни ва маконни ўзгартирувчи сеҳрларини тўсаман!

НОДИР

Баҳора, сен кўзгуларни турли томонга бур! Уларнинг нури ўзларига қайтсин!
Жажжи, Ақлвой - икки ён томонни чалғитинглар! Ҳаммамиз бир танадек ҳаракат қиламиз!

ЖАЖЖИ

(ҳавода ағдалиб)

Ҳой, пуч тутун каллалар! Қани, менга етиб олингчи! Мен сизларнинг аксларингиздан ҳам тезман!

АҚЛВОЙ

(фараларини бор кучида ёқиб, сиренасини ишга туширади)

ҲАММА ТУТҚИЧЛАРНИ МАҲКАМ УШЛАСИН! САМАРҚАНД ЭКСПРЕССИ
ХАРАКАТЛАНИШНИ БОШЛАЙДИ!

НОДИР

(тезликда Ақлвойнинг томига чиқади)

Булар сохта! Қаранглар - ерда соялари йўқ! Баҳора, шифтдаги анави учта
кристаллни кўряпсанми?

Улар нурни бир нуқтага тўплаяпти!

БАҲОРА

Мен нурни тўсдим! Нодир, энди сен!

МИРЗО

(кучланишдан бир тиззасига чўкиб, қалқонни ушлаб, бақиради)

Мен бу болаларни сизларга бермайман! Олим... Йўл очилди! Энди уларнинг
зулматини парчала!

ОЛИМ

*(Лайлога бўлган муҳаббати ва Самарқанд учун оғриғини бутун кучига
жамлаб)*

ЛАЙЛО УЧУН! САМАРҚАНД НУРИ УЧУН!

40-САҲНА. ОЛИМ ҚОРАШОҲГА ҚАРШИ

ИНТ. ҚИНҒИР КЎЗГУЛИ САРОЙ. МАРОСИМНИНГ БОШ ЗАЛИ. ТУН.

КУЛЬМИНАЦИЯ

ҚОРАШОҲ

(заҳархандалик билан, овози минглаб кўзгуларда акс этади)

Қайтдингми, Қўриқчи?... Яна мағлуб бўлиш учун келдингми?

ҚОРАШОҲ

(секин Олимга яқинлашади, овози ўраб олувчи тус олади)

Ўша кунни эсла, Олим... Занжирлар унинг билаklarини кишанбанд этганда
қандай бақирганинг ёдингдами? Ўшанда ҳам уни қуткара олмагансан.

Ҳукмдорингга ҳам, Орденингга ҳам... унга ҳам панд бергансан.

ЛАЙЛО

(оғриққа қарамай бошини аранг кўтариб)

Олим... Уни эшитма! Буларнинг ҳаммаси шунчаки акс-садолар!

ҚОРАШОҲ

(кўзгулардан Олимнинг қулоғига пичирлаётгандек)

Сен заиф жангчисан. Шаҳар ўлиб бораётганда ерости боғларида яшириниб ўтирдинг. Бу болаларни нега бу ерга олиб келдинг? Улар ҳам сен билан бирга ҳалок бўлиши учунми?

НОДИР

(яширинган жойидан бақиради)

Олим! У сени қўрқитмоқчи! Унинг ўз нури йўқ! У фақат сенинг қўрқувларингни сенга қайтариб кўрсатяпти!

ОЛИМ

(хотиржам, аммо унинг овозидан атрофдаги кўзгулар титрай бошлайди)

Сен ҳақсан, Қорашоҳ. Мен хато қилганман. Мен қўрққанман.

Аммо мен бу ерга мукаммал бўлганим учун келмадим.

Мен бу шаҳарни севганим учун келдим...

Ва Лайлони севганим учун. Менинг нурим ҳақиқий.

Сеники эса - бор-йўғи сохта акс!

41-САҲНА. ЛАЙЛОНИНГ ҚУТҚАРИЛИШИ

ИНТ. ҚИНҒИР КЎЗГУЛИ САРОЙ. МАРОСИМНИНГ БОШ ЗАЛИ. ТУН

ЛАЙЛО

(Олимнинг юзига қўлини теккизиб, пичирлайди)

Келишингни билардим...

ОЛИМ

(кўз ёшларини аранг тийиб, унинг кафтини ушлайди)

Сен - менинг нурымсан.

42-САҲНА.ЛАЙЛО, ОЛИМ ВА ХАРИТА КУЧЛАРИНИ БИРЛАШТИРАДИ

ИНТ. ҚИНҒИР КЎЗГУЛИ САРОЙ. МАРОСИМНИНГ БОШ ЗАЛИ. ТУН.

КУЛЬМИНАЦИЯ

ҚОРАШОҲ

(овози минглаб синган акслардек гумбурлайди)

АГАР ШАҲАР МЕНИКИ БЎЛМАСА - У ҲЕЧ КИМГА НАСИБ ЭТМАЙДИ!

МЕН ҲАММАНГИЗНИ ВАҚТ ХОТИРАСИДАН ЎЧИРИБ ТАШЛАЙМАН!

БАҲОРА

(кўз ёшлари орасида, зўрға нафас олиб, сўниб бораётган Харита томон қўлини чўзади)

Йўқ... Биз ҳозир... таслим бўла олмаймиз...

НОДИР

(муздек қўрқувни енгиб, муштини тугади)

Билим... бу фақат формула ва чизмалар эмас. Билим - нур борлигига бўлган ишонч ҳамдир!

ҲИКОЯЧИ ОВОЗИ (КАДР ОРТИДА)

(хотиржам ва илиқ)

УЧТА БУЮК КУЧ ЯХЛИТ БИР БУТУНЛИККА АЙЛАНАДИ:

Лайло Самарқанд Юрагининг мусаффо, ҳаётбахш нури бўлмиш

МУҲАББАТини бахшида этади. -.

Олим ўз она шаҳри учун ҳатто жонини беришга тайёр ҳимоячининг
синмас руҳини ифода қилган ЖАСОРАТини намоиш қилади.
Харита ва болалар эса ақл, эзгулик ва уйғунликнинг абадий манбалари
бўлмиш БИЛИМ ва ХОТИРАни қадрлайдилар.

ЛАЙЛО ВА ОЛИМ
(бир овозда, улкан ички куч билан)
САМАРҚАНД ЎЗ НУРИНИ ДОИМ ЁДДА ТУТАДИ!